

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазибаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис яқинда йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш тартибини қайта қўриб чиқиш ва яхшилаш юзасидан аниқ вазибаларни белгилаб берган эди.

Илғор хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турини қисқартириш, уларни бериш тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошқора механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.

Ушбу вазибаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибда махсус Ишчи гуруҳ ташкил қилинган.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев махсус Ишчи гуруҳ ишчи ташкил этишдаги асосий йўналишларни белгилаб берди.

Аввало, инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялаш-

дан чиқариб ташланиши лозимлиги таъкидланди. Масалан, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зиён етказмасан-да, лицензияланади.

Айни пайтда айрим лицензия шартлари соҳада рақобатни ҳам чекламоқда. Хусусан, кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш билан ягона кредит бюроси шугулланиб, бозорга бошқа тадбиркорлар киришига имкон деярли қолмайди. Кредит бюросини очиб унун камида 10 та тижорат банкнинг розилигини олиш талаб этилади. Мавжуд 30 та банкдан 26 таси ушбу ягона кредит бюросининг муассиси ҳисобланиб, қолган 4 та банк янги бюро ташкил этишга розилик берган тақдирда ҳам ташаббускор лицензия ололмайди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини кенг жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Хорижий тажрибада лицензия-

лаш ўрнига хабардор қилиш, мажбуриятни сугурталаш, ўзини-ўзи бошқариш, техник тартибга солиш каби муқобил усуллар мавжуд. Минос учун, турар жой объектларини нотурар жой сифатида қайд этиш учун тадбиркор алоҳида рухсатнома олиши керак. Ваҳоланки, бунинг учун давлат идоралари хабардор қилинса, кифоя бўлиши мумкин.

Худди шундай, риэлторлик, аудиторлик, суд бошқарувчилиги каби фаолият турлари билан шугулланувчиларнинг жавобгарлигини сугурталаш ёки ўзини-ўзи бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан Адлия ва Фавқулодда вазирлар вазирликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазибалари юклатилди.

Давлатимиз раҳбари лицензия-

ва рухсатномалар бериш тартиби ва муддатларини ҳам қайта қўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Адлия вазирлигига бир ой муддатда лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари ва тўловларини ўрганиб чиқиб, уларнинг шартларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқ берилди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризаси қайтарилади.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий технологияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ҳанузгача қоғоз шаклида берилмоқда. "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай,

бугунги кунда бу портал деярли фаолият юритмаяпти. Утган йили 4 мингдан ортиқ лицензия "бир дарча" тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига жорий йил 1 августга қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараёнларнинг тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимини ишла тушириш вазибаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лицензия талабларига риоя этишни мониторинг қилишнинг янги, ошқора тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этди. Масалан, ёнгин назорати органлари ёнгинга қарши воситаларни ўрнатувчилар фаолиятини назорат қилиши керак бўлса-да, бундай назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Илғор хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада коррупция ва турли суиистеъмчиликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш талаб этилади.

Йиғилишда мутасаддилар олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳар бир тармоқ кесимида қайси лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш мумкинлиги тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МИННАТДОРЛИК

Хитой халқига ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирилди

Хитой халқига билдирилган ҳамдардлик ва кўрсатилган ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўллади. Унда шундай дейилади:

"Муҳтарам Президент Жаноблари!

Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши олиб бораётган кураши муносабати билан йўллаган ҳамдардликнингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Қаерда қулфат юз берса, ҳар томондан ёрдамга шошиладилар, деганларидек, дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон Хитой ҳукумати ва халқи билан ҳамдард эканини билдирди ва турли қўриқларда қўллаб-қувватлади. Бу бизга нисбатан дўстлик муносабатларини тўлиқ намоён этди.

Хитой эпидемияни бартаф қилиш ҳамда назоратга олиш борасида муваффақиятга эришишига ишончи комил ва бунга қодир. Шунингдек, бутун дунёда соғлиқни сақлаш ишига ҳисса қўшиш йўлида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдам ҳамда Сиз билан бундан кейин ҳам яқин мулоқотни давом эттиришга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса равақ ва фаровонлик тилайман.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин".

ЎЗА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳамда истиқболдаги режалар таҳлил этилди.

Депутатлар, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, олимлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов давлатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданқоқ Туркия Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида биринчи бўлиб расман тан олгани, ўтган давр мобайнида ўзаро алоқалар динамика тарзда ривожланаётгани, айниқса, кейинги уч йилда ўзаро ҳамкорлик турли жабҳаларда тобора чуқурлашиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро таширфлар давомида Президентлар Шавкат Мирзиёев ҳамда Режеп Таййип Эрдоган Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги босқичга қўтаришга қаратилган Қўшма баёнот, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, энергетика, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 40 га яқин ҳужжат имзолангани бугунги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Фарғона гилослари хорижга экспорт қилинади

Фарғона вилоятида ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 18 лойиҳа амалга оширилиб, мева-сабзавотлар экспорти ҳам салмоқли бўлди.

Юртимизда етиштирилган меваларнинг таърифи ортиқча ҳолат бўлмас керак. Хусусан, Фарғона вилоятида бу борада катта тажриба бор. Бугунги кунда миришкор деҳқонлар томонидан олманинг 14, ўриннинг 17, шафтолининг 9, гилос ва нокнинг 7, анорнинг 12 хили ва бошқа маҳсулотларнинг кўплаб турлари етиштирилмоқда. Вилоятда 2 миллион 560 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, истеъмолга етказиб берилмоқда.

Фарғона боғларида етиштирилган сара гилослар жаҳон бозорига харидорғир. Ўзига хос таъм ва қўриқлиги эга меваларга бўлган талаб бу йил янада қўриқли бўлиши кутилмоқда.

Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесида иш бошлаган "Реал транс логистика" унитар корхонаси бу борада янги имконият ашиқларини очди. Асосан мевасабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, қўриқиб, қадоқлайдиган корхона йил давомида 300 минг тонна сара маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Америка, Туркия, Бельгия сингари ривожланган мамлакатлардан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш ускуналари сабзавот маҳсулотларини беш йўналишда қўриқтиради, керакли

ўлчамларда кесиб қадоқлайди. Бу ерда 160 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

— Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспорт қилинади, — дейди унитар корхона раҳбари Зоҳиджон Икромов. — Хусусан, гилос саралаш ва қадоқлаш цехига Италиянинг "Юни-кес" лазерли ускуналари ўрнатилди. Мазкур жихозлар ҳар соатда беш тонна маҳсулотни халқаро талаб ва нормалар асосида саралаб, махсус қўтиларга жойлаб беради. Шунингдек, цех қошида 3 минг тонна сизимга эга бўлган музлатгич ишга туширилди. Бу йил маҳсулотларимизни Дубайга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Тайёр маҳсулотларни экспортга йўналтириш учун божхона, карантин хизматлари шу ернинг ўзида амалга оширилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари мазкур мамлакатда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади.

Таширф дастурига мувофиқ, Анқара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Сийёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари қўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубхонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

ЎЗА

Ҳурматли муштарийлар!

Газетамизга обуна уюштириш йил бўйи давом этади. Обуна таҳририят томонидан ва бошқа барча обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ 144.

Сиз газетамизда ўз фаолиятингизга оид мақола, реклама ва эълонлар берилишини истайсизми?

Унда бизга телефон, телеграмм, электрон почта ҳамда хат-хабар орқали боғланишингиз мумкин.

Телефонлар: (71) 236-26-50;
233-44-43; 233-28-04.
(90) 982-84-41 (telegram)
Электрон манзил: info@qishloqhayoti.uz

Хоразм вилояти

Катқалъа – қадим қалъа!

Хоразмда узоқ тарихга эга бўлган тарихий обидалар, табаррук қадамжолар, қалъалар жудаям кўп. Уларнинг кўпчилиги Шовот туманида жойлашган. Шулардан бири тарихийлиги ва қадимийлиги билан ажралиб турувчи қадимий Катқалъаси ҳисобланади.

С.П.Толстов, Яҳё Ғуломов ва Исо Жабборовлар қалъа тарихига оид қимматли маълумотларни аниқлаган-



туллаев бошчилигидаги археологик отряди қатнашди. Бу тадқиқотларнинг натижалари илмий тўплам сифатида нашр қилинган. Унга қўра шаҳар бой маданий қатламларга ва мураккаб тузилишга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотчи олимлар қалъа тарихининг тўрт даврини ўз ичига олган сопол идишлар, тақинчоқлар, пул тангаларни ҳам топадилар. 2005–2007 йилларда шаҳарда археологик тадқиқотларни тарих фанлари номзодлари Қ.Машарипов, С.Давлатов, Қ.Собиров ва Б.Саъдуллаевлар олиб бордилар. Қазилар, тадқиқот ишларига қўра Кат қалъада қишки, ёзги масжид бўлиб, унинг ёнбошидан паҳса девор бўлган. Масжидлар пойдевори пишиқ гиштлардан қўйиб чиқилган. Қишки масжид ичиде меҳрав ва 16 та устун тақурси борлиги маълум бўлди!

(Давоми 2-саҳифада)

Кейинчалик бу маблағлар
давлат хазинасига ундирилади

Қалъа реставрацияси нега қолиб кетаверди?

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркияга давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолангани, миллий парламентида Туркия парламенти билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида "Ўзбекистон – Туркия" парламентларо дўстлик гуруҳи тузилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

2018 йил 30 апрелда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқида турк халқи Ўзбекистонни ота юрти, Ўзбекистон халқини қардош халқ, Ўзбекистон Республикасини қардош давлат сифатида қўришини таъкидлаб, бу юрда етиштириб чиққан Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий каби буюк алломаларнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам жаҳон илм дунёсида маёқ бўлиб нур таратаётганини алоҳида эътироф этганди.

– Ўзбек ва турк элининг алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади, – дейди Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Меҳмет Сурейя Эр. – Тарихдан маълумки, қадимги Мовароуннахр ҳам муҳим цивилизация ва билим ўчоғи бўлган. Ота юртимиз бўлган Ўзбекистон билан ўзаро ҳурмат, тенглик асосидаги самимий муносабатларни чуқурлаштириш тарафдоримиз. Президентлар Режеп Таййип Эрдоган ҳамда Шавкат Мирзиёев Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқди. Ўзбекистонда кейинги йилларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Туркия ушбу ислохотларга ўз хиссасини қўшишни истади.

Маълумотларга кўра, жаҳон сайёҳлик соҳасида олтинчи ўринни эгаллаган Туркия бир йилда 36 миллион сайёҳни қабул қилади ва ушбу соҳадан 34 миллиард доллар миқдоридан даромад кўради. Ўзбекистон фуқаролари учун 2007 йилдан буён Туркияга визасиз кириш тартиби жорий қилинган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида фармони билан турк фуқаролари учун ҳам визасиз режим жорий этилган. Албатта, бу туркиялик фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг, сайёҳлик соҳасида иш юритувчи малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга келишини анча оsonлаштирмоқда.

Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун икки давлатнинг манфаати ва, энг асосийси, хоҳиши ҳам борлиги барчани кувонтиради.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Халқ розилиги ҳар нарсдан ўстун

Одамларнинг "Нитан" дан зарарини
ҳозирча давлат тўлаб беради

Шу кунларнинг мавзуларидан бири республика-мизнинг турли ҳудудларидан 1086 нафар фуқаронинг "Нитан" хусусий бандлик агентлиги томонидан ҳоррида иш билан таъминлаш баҳонасида ўз маблағларидан ажралиб, алданиб қолганлиги масаласи эди. Масала шундаки, бу ташкилот раҳбарлари суд томонидан тегишли равишда озодликдан маҳрум этилди. Аммо масаланинг яна бир, яъни асосий томони бор. Улардан суд орқали олиб қўйилган мулклар аҳолининг маблағини қоплаб беришга етмайди. Ҳатто унинг тўртдан бирини ҳам қопламайди. Айбдор жазоланди, аммо аҳоли йиллаб жамғарган маблағидан ажралиб қолаверадими? Бугунги кунда ташкилот фаолиятдан жабр кўрганларни шу савол қўйяётганди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов улар вакилларини қабул қилиб, мамлакатимиз Президенти томонидан жабр кўрган аҳолининг 21 миллиард сўмлик зарари ҳозирча Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги махсус жамғарма томонидан тўлаб берилишига рухсат берилганлигини эълон қилди. Кейинчалик эса бу маблағ айбдорлардан давлат хазинасига ундирилиши эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз.

(Боши 1-саҳифада)

Қадим замонларда аҳоли савдогарлик, майда хунарандчилик билан шуғуллангани бос, қалъа ичида яшаганлар ва унинг ташқарисида деҳқончилик қилганлар. Давр, замон ўтиши билан аҳоли сони ошиб, улар қалъа атрофларидаги ерларда ризқ-насиба етиштириш, чорва моллари асраш билан ҳам шуғулландилар, ўзларига турар-жой бинолари қуриб ола бошлайдилар – бора-бора қалъада аҳоли сони камай бошлади.

Шуру инқилоби даврида коллектив-жамоа ҳўжаликлари тузиш сиёсати қалъанинг инқирозини яна тезлаштиради. Қанча асрлар аҳолига иссиқ ошиб бўлиб келган гуша бутунлай хувуллаб қолди. Аҳоли қалъадан узоққа кетмай Катқалъа, Беклар, Олтинқалъа, Кўрақлар, Ботирлар, Оқ масжид, Шихлар, Тўқмоқли элатларидан маскан тутадилар. Катқалъа Мустақиллик туфайлигина ўзининг қадимги

номини топди ва Катқалъа қишлоғи, деб атала бошланди.

Катқалъадан Авесто даврига оид ҳосилдорлик ва сув маъбудаси Анахита ҳайкаласининг топилиши унинг тарихи нақадар қадимийлигидан далolatдир. Қалъа Анушахон даврида қайта қурилади ва мустаҳкам истеҳкомга айлан-тирилади. Азалдан инсонлар Амударё ва унинг ирмоқлари бўйларига қўчиб келиб яшаганлигини назарда тутса, Катқалъа ҳам Анушахон томонидан қайта қаздирилган Ермиш каналининг бўйида жойлашганлигига гувоҳ бўлаемиз.

Қалъа трапеция шаклида қурилган бўлиб, унинг умумий майдони 10 гектарни ташкил

этади. Пахса деворлари учун Ермиш каналини қазийда чиққан лойидан фойдаланилган. Деворлари 10-15 метр баландликда Хива қалъаси деворлари усулида қурилган. Қалъа ичида 1500 га яқин аҳоли истиқомат қилган. Аҳоли қалъадан ташқарида ҳам яшаган бўлиб ёв босқини даврида қалъадан паноҳ топишган. Катқалъани хонликлар томонидан қўйилган беклар бошқарган.

Ушбу қишлоқлик нафақадаги ўқитувчи Илхом Пиров билан қалъани кўздан кечирдик. Қалъа тамомла чўчиб қолган. Бир-икки жойида пахса деворлари туя ўрқачида қаддини тик тутиб турганини ҳисобга олмаганда тамо-

мила инқирозга юз тутган. Унинг тағида ҳали биз билган ва билмаган қанча сир-синоатлар яшириниб ётибди? Ҳозирда қалъа ичига аҳоли томонидан ахлат ташлаш ҳолатлари учраб турганлиги таъбингизни хира қилади. Ахир, аждодлар қадами теккан бу табаррук заминни булғаш гуноҳ эмасми?!

Катқалъанинг шундоққина олдида ҳовулар бўлиб, маҳаллий аҳолининг айтишича, унинг шўр суви ва балчиғи бел оғрик, оёқ оғрик каби касалликларига даво бўлган. Маҳаллий аҳолининг қалъа деворларига қўйилган хом гиштларни ҳам қайта лой ҳолига келтириб, баъзи бир касалликларга даво

Қуёнчиликда кам маблағ сарфлаб
кўп парҳез гўшт, сифатли мўйнали
тери, майин тивит каби маҳсулотлар
етиштириш мумкин. Битта зотдор
қуён 1 йилда тез кўпайиб, ўздан
бир неча марта насл қолдира олади.
Галдаги асосий масала бу каби насли
қуёнларнинг мамлакатимиз иқлими,
озуқасига мослашиши учун муносиб
шароит яратилишига эришишдир.

Кунига 8000 бош қуён сўйишга мўлжалланган замонавий қушхона
ва йилига 2 млн.дона мўйна ошлашга мўлжалланган цех



Ўзбекистонда йилига

28 минг тонна қуён гўшти етиштириш мумкин

Соҳада шу каби
амалга ошириладиган
истиқболли
лойиҳалар, мавжуд
муаммолар ва
уларни бартараф
қилиш борасидаги
аниқ тақлифлар
ҳақида ЎЗА мухбири
"Ўзбекистон қуёнчилик
хўжаликлари"
ассоциацияси
бошқаруви раиси
Абдураззоқ
Иброҳимов билан
суҳбатлашди.



– Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Айниқса, жаҳон тажрибасини ўғаниш ва маҳаллий шароитда қуёнчилик тармоқларини такомиллаштиришда нималарга алоҳида эътибор қаратилди?

– Қуёнларни парваришда шу кунга қадар эски усул ва технологиялардан фойдаланилган. Қуёнларни боқиш шароитида оддий зооветеринария қоидаларига амал қилинмагани эса маҳсулдорлик пасайишига олиб келди.

Аслида қуён уй ҳайвонлари орасида энг тез етиладиган жонзотдир. Ургочи қуёнларни тўрт ойлигидан бошлаб урчи-тиш мумкин. Боқиш ва парвариш яхши шароитда тирик вазни 5 килограмм бўлган битта ургочи қуён йилига 7 мартагача болалади. Тўйимлиги бўйича қуён гўштининг 1 килограмми энг яхши мол гўштининг 1,45 килограммига тенг. Қолаверса, унинг гўшти холестерини камлиги бўйича қўй, мол ва бошқа жониворларникидан фарқ қилади. Таркибидеги оқсилнинг 90 фоизи инсон организми томонидан тўлиқ ўзлаштирилади.

Қуёнчилик жаҳон иқтисодиёти ва истеъмолчида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, Хитой мўйнали ва тивитли қуён зотларини парваришдаш бўйича юқори улушга эга. Италия соҳада иккинчи ўринни эгаллаган бўлиб, йилига

300 минг тонна маҳсулот етиштирилади. Аҳоли бошига қуён гўшти истеъмол қилиш даражаси йилига 5,5-6 килограммдир. Мазкур кўрсаткич Германия, Франция ва Венгрияда 2,5-3 килограммни ташкил қилиб, ушбу мамлакатларда 65 фоиз маҳсулот кластер усулида ишлаб чиқарилмоқда.

Соғлом овқатланишнинг замонавий тенденцияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг парҳез гўштини истеъмол қилиш меъёри ҳақидаги тавсиясини ҳисобга олиб, унинг улушига инсон гўшт рационининг 5 фоиздан кўпроғи (аҳоли бошига – 4,5 килограмм) тўғри келиши керак. Мамлакатимизда йилига 150 минг тонна қуён гўштини истеъмолга чиқариш имкони бор. Шунини таъкидлаш жоизки, қуён гўштининг энг сифатлиси, бу – янги сўйилгани. Қуённинг музлатилган гўшти фойдаланиш хусусиятини тез йўқотади.

Қуёнчиликни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу сектор қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий ва самарали тармоқларидан бири бўлиб, уни ривожлантиришнинг асосий омили эса кичик оилавий хўжаликлардир.

Ассоциация ташкил этилганидан сўнг, Ўзбекистонда қуёнчиликни ривожлантириш дастури концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2020-2024 йилларда республика-мизнинг барча ҳудудиде қуёнчилик кластерларини йўлга қўйиш бўйича дастур тайёрланди. Унинг ижроси бўйича ҳозир

Қашқадарё вилоятида дастлабки кластерни ташкил этиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Навбатдаги bosqichda мамлакатимиз бўйича бу каби кластерлардан яна еттитасти ўз фаолиятини бошлайди.

– Мазкур ташкил этиладиган қуёнчилик кластерларидан олинadиган ижтимоий-иқтисодий самарадорлик қандай бўлади? Шу хусусида атрофлича маълумот берсангиз.

– Ҳисоб-китобларимизга кўра, Қашқадарё вилоятида ургочи қуёнлар сони 150 минг бошга эга бўлган Қуёнчилик кластери ташкил этилган йиллик 20 миллион сўмдан ортик фойда кўрадиган 7 минг 500 та шахсий томорқа хўжалиги ташкил этилади. Бунинг натижасида 380 доимий ишчи ўрни яратилади.

Вилоятда Қуёнчилик кластери асосида қуён еми ишлаб чиқариш кўрсаткичи йилига 51 минг 90 тоннага, гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичи йилига 4 минг 725 тоннага етади. Қуён гўшtidан консерва ишлаб чиқариш ҳам кенгайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 67,5 фоизини, яъни 918 миллиард 338 миллион сўмга тенг қисмини экспорт қилиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда йиллик валюта тушуми 108 миллион долларни ташкил қилади.

Шу туфайли мамлакатимизда бу тармоқни саноат даражасига кўтариш борасидаги илк қадамларимиз давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ бу даромадли соҳа ҳали оммалашмаган.

Шунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларини вилоятларда жадаллаштиряпмиз. Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Чирочки ва Яқкабоғ туманларида бу ташаббус аҳоли томонидан илиқ кутиб олинди. Иложи борица тоғли ҳудудларда яшаётган аҳолини қамраб олишга ҳаракат қилаёпмиз. Чунки тери ва мўйнаси учун етиштирилаётган қуён зотлари асосан совуқ иқлимга мослашган. Республика-мизнинг жанубий ҳудудларида қуённинг гўшт оладиган зотларини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз.

– 2020-2024 йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудиде қуёнчилик кластерларини йўлга қўйиш бўйича дастурнинг асосий мақсад ва вазибалари қандай?

– Давлат кўмағи ва давлат-хусусий шериклик механизмининг қўллаш асосида аҳоли томорқаларида ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперациясини ривожлантиришнинг иқтисодий самарали моделини қўллаймиз. Соҳада янги кластерларни яратиш орқали мамлакатда қуёнчиликни оммалаштиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий, илмий-технологик, ахборот-маркетинг ва молиявий-кредит чоратадбирлари ишлаб чиқилади.

Қуёнчилик дастури орқали 2024 йилга келиб турли зотдаги наслдор қуёнлар импортидан 100 фоиз воз кечамиз. Республикада парҳезбон қуён гўшти ишлаб чиқарилиши йилига 28 минг тоннагача оширилиши мумкин. Қуён мўйнаси, тивити, терисидан тайёрланadиган маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқарилиши кенгайди, экспорт диверсификацияси ривожланади, озик-овқат хавфсизлиги таъминланади. Аҳоли даромади ошади.

Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарориде ҳам чорвачиликнинг бошқа тармоқлари қаторида қуёнчилик бўйича махсус комплексларни қуриш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазибалар белгиланди. Демак, фаолиятимиз янада ривожланади.

ЎЗА мухбири
Абдулазиз МУСАЕВ
суҳбатлашди.

Катқалъа – қадим қалъа!

сифатида ишлатаётгани ҳам бор гап.

Катқалъа ўзининг тадқиқотчиларини кутиб ётибди. 2013 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг қалъани сайёҳлик йўналишига қўйиш ҳақида қарори чиққан бўлиб, унга борувчи йўлни асфальтлаштириш, атрофда дўконлар қуриш ва қалъани реставрация қилиш ҳақида гап кетганди. Қалъанинг олд қисмида тадбиркорлар томонидан дўконлар қурилди. Йул асфальт қилинди, аммо қалъани реставрация қилиш ишлари қолиб кетаверди.

Катқалъага эътибор берилмаса, унинг қайтадан барпо этилиши гумон. Ўйлаймизки, яхшиликлар эш бўлиб, мутасаддилар бу масалага чуқурроқ ёндашадилар. Катқалъанинг обод бўлиши улғў аждодларимиз руҳларига ҳурмат бўлса, сайёҳларнинг келиши даромад манбаидир.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келган

Пахтачиликни механизациялаш ҳар жиҳатдан самарали

Ўзбекистон Экологик партияси дастурида мамлакатнинг "Ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни татбиқ этиш соҳасига доир концепцияни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар ва янги самарали услубларни қўллаш ҳисобига ер унумдорлиги ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.



Ер ресурслари муҳофазаси

Ўзбекистон Экологик партиясининг муҳим вазифаларидан

Ғайрат САҒАРОВ,
Камол ЖУМАНИЕЎЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатлари.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ, мазкур соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакатда экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда жамиятнинг барча кучларини, саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратини кўймоқда.

Давр талабидида воқеийлик сифатида халқ иродиси билан ташкил этилган мазкур партия сиёсий ташкилот сифатида жамиятнинг ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, фуқароларнинг ҳозирги ва келгуси авлодининг қулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоа этилишини таъминлашга қаратилган янги йўналиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Бугунги кунда ер сайёраси аҳолиси 7,5 млрд. кишига етди. Жаҳонда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши нафақат иқтисодиёт тармоқлари ривожини, шу билан бир қаторда инсониятнинг фаровон келажагига ҳам жиддий ҳаф

солмоқда.

Агар сўнги ярим аср мобайнида ер юзидида аҳоли сони 3 баробар ошган бўлса, шу давр мобайнида транспорт воситалари сони 11 баробарга, нефть қазиб олиш 7 марта, газдан фойдаланиш 15 баробарга кўпайди. Шу давр мобайнида бугдэй этиштириш эса 4,5 мартага, ёғоч маҳсулотлари тайёрлаш эса 14 баробарга кўпайди.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб кўпгина мамлакатлар чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраши муаммоларини бошидан кечириётгани, оқибатда дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келгани масаланинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ана шундай мураккаб вазиятда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, Чўлланишга қарши кураш бўйича конвенцияга қўшилди. Ушбу конвенцияларнинг кўплаб мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бир қатор муҳим стратегия, шу жумладан, "Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар Дастури", "Қуроқчилик ва чўлланишга қарши кураш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури",

"Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури", "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастури" ва бошқалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг иқлим ўзгаришлари, чўлланишга қарши курашиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, бутун жаҳон маданий меросини муҳофаза қилишга доир конвенциялар ҳамда бошқа экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилиши мамлакатимизда мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ер умумийлиги бўйича бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб берилди. Шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажақ авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, ҳўжалик юртишининг барча шакллари

ни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга

солишдан ҳамда бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ер ресурсларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари билан қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва ер муносабатларини тартибга солишга оид қонунларни амалга ошириш ҳозирги даврнинг долзарб талаблари даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида жадал фойдаланиладиган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида замонавий, илғор, ресурс тежамкор усуллари қўллаш орқали, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда экинзорларнинг умумий майдони 4 миллион гектардан ортиқ. Шундан сугориладиган ерлар 3 миллион 285 минг гектарни ташкил этади. Буни, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг олтин фондига қийслаш мумкин. Негаки, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган

талабини қондириш, саноат тармоқларини муҳим хом ашёлар билан кафолатли таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бевосита ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлашга боғлиқ. Шунингдек, республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, аниққса, сугориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юретишни тизимлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан саналади. Шунинг учун республикамизнинг асосий деҳқончилик юретиладиган тоғ олди ва тоғ ости ҳудудларида тупроқ шароити, қишлоқ хўжалиги экинлари талабларини ҳисобга олган ҳолда экинларни тўғри жойлаштириш, ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларида доимий қадас ҳисобини юретиш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассислари томонидан ерга оид қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш Ўзбекистон Экологик партиясининг дастури билан ҳаммоҳам бўлиб, партия бу борада уларнинг мазмун-моҳиятини кенгрок тушуштириш бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Бу, аҳолининг ер ресурсларига бўлган муносабатини, деҳқон ва фермер хўжалиқларида эса ердан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишга бўлган масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

Сирдарё вилояти

Пахтачиликни механизациялаш иш унумдорлигини ошириб, вақтни тежайди ва самарадорликни оширади. Энг муҳими, қўл меҳнатига барҳам берилиб, "мажбурий меҳнат" деган маломатларга чек қўйилади. Шу боис, мамлакатимизда босқичма-босқич бу тармоқни механизациялашга киришилган.

Пахтани қўлда теришдан қачон қутуламиз?



Жорий йилнинг 14 январь куни Ҳукумат томонидан қабул қилинган "Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борадаги ишларни янада жадаллаштиради.

Ушбу ҳужжатга асосан, биринчи босқичда 2020-2022 йилларда Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида, иккинчи босқичда эса 2023 – 2026 йилларда республиканинг қолган ҳудудларида пахта ҳосилини йиғиштириб олиш тўлиқ механизациялаштирилади.

Аслида бу борада ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Кейинги йилларда юқори унумли ва ихчам ҳаракатланадиган, тола сифати бузилиши, чигит синиб, шикастланишига йўл қўймайдиган замонавий пахта терим машиналаридан фойдаланиш бошланган. Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида ишлаб чиқарилаётган "МХ-1,8" русумли икки қаторли ва Америка давлатидан келтирилган "John Deere CP690", "John Deere CS690" русумли олти қаторли терим машиналари деҳқонларимизни кутган замонавий техникалар сирасига кирди.

Чунончи, саккиз йилдан буён тажрибада синаб кўрилаётган, ўзимизда ишлаб чиқарилган "МХ-1,8" машиналарнинг дастлаб фермерларнинг қабул қилиши кийин кечди. Бу терим машиналари пахта навини (синфини) тушириб, аввалда хорихдан келтирилган "Кейс" машиналари каби харажатларни жуда ошириб юбормасмикан, деган хавотир, ишонсизлик, ҳадиксираш бўлди. Аммо олий ҳакам бўлган вақт техниканинг афзалликларини деҳқонларга яққол кўрсатди. Терим машиналарини яратган олимлар мавсумда бевосита фермерларнинг далаларига бориб, машиналарнинг ишлаш жараёнини кузатишди. Агрегатларни такомиллаштириш ҳақидаги тақлифлар ўртага ташланди ва яна машинага маълум ўзгаришлар киритилди. Йиллар давомида такомиллаштирилган машинанинг иш унуми, пахтани тез ва тоза териши, тола ҳамда чигитга зарар етказмаслиги, бункерлардан ағдариллаётган хомашё қабул масканларида қўлда терилгани каби юқори синф навларга қабул қилингани, асосийси терим мавсумини қисқартириб, маблагни тежаш деҳқонларга маъқул келди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Америкадан келтирилган, ўтган икки йил давомида синовдан ўтказилган терим машиналарининг ҳар бири бир кунда 80-100 тоннагача хом ашёни териб, жараённинг ўзида пахтани тойлаб беради. Ушбу машиналар алоҳида дастурлар асосида ҳаракатланади. Масалан, пахтанинг намлик даражаси 12 фоизга етганда шпинделлар ўз ўзидан тўхтайдди. Иш унуми юқорилиги боис, битта терим машинаси бир кунда 1400 нафар кишининг ишини адо этади.

Таъкидлаш жоизки, терим жараёнининг ўзида хомашёнинг тойланиши исрофгарчиликнинг олдини олиш билан бирга ортиқча ишчи кучига эҳтиёж қолдирмайди. Бундан ташқари, тонналаб ёнилли маҳсулотларини тежашга, тайёр маҳсулотни қисқа муддатларда қайта ишлашга катта имконият туғдиради.

Кейинги йилларда Сирдарё вилоятида Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида ишлаб чиқарилган "МХ-1,8" ҳамда Америка ва Хитойдан келтирилган замонавий машиналардан фойдаланишга алоҳида маъсулият билан ёндашилмоқда. 2019 йилда қабул масканларига топширилган 190 минг тонна пахтадан қарийб 60 минг тоннаси машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Вилоятда ўтган йили хирмонларга уйилган, машинада терилган 60 минг тонна пахтанинг 30 минг тоннаси "МХ-1,8" русумли машиналарда териб олинганлиги эса сирдарёлик фермер ва кластер хўжалиқларининг пахтакорлари қарийб 2 миллиард 340 миллион сўм маблагни тежаганлигини аниқлатади. 2019-2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб беришни янада ривожлантиришнинг катта мақсад этиб белгиланганлиги, хорихда ишлаб чиқарилган машиналардан қилинмайдиган агрегатларнинг турдошларини юртимизда яратишда маълум натижаларга эришилганлиги ҳам пахтачиликни механизациялаш тезлашишидан далолат беради.

Бозорбой БЕКМУРОВОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона вилояти

Инновацион технологиялар обиҳаётдан оқилона фойдаланиш имкониятини оширмоқда

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган бу йилги Мурожаатномасида барча тармоқлар қатори Сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Жумладан, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юретиш тизимини автоматлаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шу йўналишдаги ишлар доирасида Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Ахборот таҳлил ва ресурс маркази мутахассислари томонидан "Водил" гидроузелида ҳам автоматлаштириш ишлари бошланиб, қисқа муддатларда охирига етказилди.

– Тизимда инвестиция маблағларини жалб этиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда, – дейди "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Алламжон Фозилов. – Халқаро Тараққиёт жамғамаси (Жаҳон банки) маблағлари ҳисобидан "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш ФАЗА-2 лойиҳаси" доирасида вилоятнинг сув таъминоти энг оғир бўлган сугориладиган ер майдонлари 100 фоиз кўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудидан оқиб келаётган тарнсчегаравий дарёларга боғлиқ бўлиб қолган. Ана шу лойиҳа доирасида Фарғона тумани, Қувасой шаҳри ҳудудида 97,7 миллион АҚШ доллари миқдорда насос станцияси, сугориш қудуқлари ва каналларни қуриш ва реконструкция қилиш тадбирлари режалаштирилиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида қўшимча сугориш манбаларига эга бўлиш кутилмоқда. Бундан ташқари, 2022 йилдан насос



агрегатлари ва сугориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси фақат сув тежовчи сугориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилади. Насос агрегатлари ва сугориш қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун олинаётган сувни ариқдан далага етказиб бергунча 50 фоизи йўқоларди. Ҳозир иккиламчи арзон маҳсулотдан тайёрланган полиэтилен қувурли орқали қудуқ суви далага исроф қилинмай етказиб берилаяпти. Бу билан электр энергияси 15 фоизга, сувнинг йўқолиши 50 фоизга камаймоқда. Фарғона туманидаги 314-тик сув чиқариш қудуғи шундай усулда ишлашга ўтказилди.



Соҳага инновацион технологиялар жалб этилиши натижасида қудуқларни "онлайн режимида" бошқаришга ўтказилиши нафақат Фарғонада, балки бутун республикамизда амалга оширилмоқда. Тик қудуқларнинг масофадан бошқарилиши янгилик бўлмай қолди. Бир неча тик қудуқ бирин-кетин бир неча дақиқада ўчирилиши ёки ишга туширилиши мумкин. Фарғона вилоятида январь ойида 27 та тик қудуқ иш фаолиятига бу янгилик жорий қилинган бўлса, биринчи чорак давомида 45 та тик қудуқ шу усулда ишлаб бошлайди.

Олтиариқ даштларидан Фарғонагача бўлган магистрал йўл ёқаларида интензив узумзорлар боғлари барпо қилинаётганига кўзингиз тушади. Уларнинг аксарияти қақроқ ерларда барпо этиляпти. Насослар ёрдамида сугориладиган бу ерлар яқин йиллар ичида мўл-кўлчиликнинг манбаи бўлиши шубҳасиз.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тутуруқсизлик тарғиботчиси бўлиб қолманг!

РЕКЛАМА ҲАҚИДА ЎЙЛАР

"Қичқириқ" ортидаги хавф

ёхуд замонавий "вирус" лардан эҳтиёт бўлинг!

Бугунги кунда инсоният кутилганидан ортиқ оламшумул ихтиролару янгиликларнинг гувоҳи бўлмоқда. Буларнинг барчаси инсониятнинг оғирини енгил қилиш учун хизмат қилмоқда. Дунёга машхур турли хил бренд остида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва фабрикаларнинг кўпайиши, уларнинг ким ўзарга баҳс бойлаётгани, аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир харидор учун рақобатнинг кучайиши, рекламага бўлган эҳтиёжни янада орттириб юборди. ОАВ, айниқса, ойнаи жаҳонни кузатар эканмиз бунга янада амин бўламиз. Хўш, реклама ўзи нима? У қандай вужудга келган? Бугунги кунни рекламасиз тасаввур қила оламизми?

Реклама нима?

Реклама (лотинча *reclame, reclamare* – қаттиқ қичқирмоқ) – муайян товарлар ёки кўрсатилган хизмат турлари ҳақида харидорларни хабардор қилиш, уларга нисбатан талаб, эҳтиёжни юзага келтириш ёки кучайтириш мақсадида ана шу товар ва хизматлар тўғрисида берилган маълумот. Шунингдек, товарнинг сифати, уларни сотиб олишдан қўриладиган наф ҳақидаги ахборот, бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида

юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатилган махсус ахборотлар ҳам рекламага мансубдир. Ундан корхона имиджини яратишда, жорий сотиш ҳажмини кўпайтиришда, харидорларга нима сотиб олишни ва уни нима учун сотиб олиш зарурлигини ҳал қилишда фойдаланилади. Рекламанинг асосий вазифаси – харидорни қизиқтириш, миқдорларни йўқотмаслик ва уларни кенгайтиришга қаратилган.

Рекламанинг келиб чиқиш тарихи

Рекламанинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимий бўлиб, Юнонистон, Қадимги Миср ва Римга бориб тақалади. Дастлаб, товарлар оғзаки ва ёзма шаклда, кейинчалик маҳсулот белгисини қўйиб, тамғалаш йўли билан реклама қилинганлиги ҳақида фактлар мавжуд.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги шаклдаги рекламалар илк марта АҚШда пайдо бўлган. Бу ерда XIX асрнинг 2-ярмида биринчи бор реклама агентликлари фаолият кўрсатган ва у катта даромад келтира бошлаган. Ёзма рекламалар харидорларни магазин ва унда сотиладиган товарлардан хабардор қилиш вазифасини бажарган. Бу тахталарга ёзиш ва витриналар ташкил этиш орқали амалга оширилган. Кейинчалик рекламалар харидорга нашрлар орқали мурожаат шаклига айланган. Афишалар, ҳатто китобларда ахборот, реклама эълонлари пайдо бўла бошлади. Бора-бора бу ишга оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, кино) жалб этилди.

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

Совуқ кунларда уйимизни ва иш жойимизни иситиш мақсадида ҳар хил турдаги иситиш мосламаларидан фойдаланамиз.

Ёш болаларни ёлғиз қолдирманг!

Айрим ҳолатларда қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишимиз натижасида ёнгин келиб чиқади. Шунинг учун фуқаролар ўртасида қўлбола электр мосламаларидан фойдаланмаслик, ёш болаларни ёлғиз қолдирмаслик, ёнгин чиққан вақтда қандай ҳаракат қилиш хусусида тушунтириш ишларини мунтазам олиб борамиз. Доимо аҳолини ёнгин хавфсизлиги қўридаларига риоя этишга, огоҳликка чақирамиз.

Ёнгинларнинг сабаби кўп. Катта мусибатларга олиб келадиган ёнгинлар асосан, назоратсиз қолдирилган дазмол, микротўқинли печ, телевизор, компьютер, телефон мосламалари ҳамда қўлбола электр иситиш печларидан кишиларнинг масъулиятсизликлари ва бепарволиклари оқибатида келиб чиқади. Шундай экан, уйингизда ҳам, иш жойингизда ҳам асло бепарволикка йўл қўйманг!

Шерзод ВАЛИЕВ,

"Маърифат маркази" ЕХТТЭБ кичик инспектори, кичик сержант.

Бугунги кун бозор иқтисодиётини рекламасиз тасаввур қила оламизми?

Ҳозирги даврда ушбу соҳа жадал ривожланиб, бизнеснинг ажралмас бир бўлагига айланди. Ҳаттоки рекламага оид махсус филмлар кенг оммага намойиш этиб келинган. Одамлар орасида "Яхши маҳсулот рекламага муҳтож эмас", деган қараш мавжуд. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри, бунга бир неча мисоллар орқали жавоб оламиз. Бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала ҳаражатида унинг ҳиссаси ортиб борди. Реклама тadbirkorликнинг алоҳида бир тармоғига айланиб, у махсус қондалар ва қонунларга мувофиқ ташкил этилади. Қонунийлик, аниқлик, ишончлик, ундан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш, рекламага доир асосий талаблардир.

Ижобий ёки салбий?

Реклама бир томондан камдан-кам кишига манзур бўлса, иккинчи томондан ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини усиз сотиш жуда қийин бўлади ва у харидорларга баъзан яхши танлов қилишга кўмаклашди. Қолаверса, талаб ва истеъмолчилар дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Рекламаларнинг ижобийлик нуқтаи назаридан бир қанча жиҳатларини санаб ўтдик. Бироқ танганинг иккинчи томони борлигини унутмаслик керак. Назаримда, бугунги кун рекламаларига савия етишмаётгандек. Истеъмолчиларга ва уларнинг онгига салбий таъсир қилиб қўётгандек. Аниқлик, ишонч-

лилик, ундан фойдаланувчига маънавий зарар етказмаслик каби асосий талабларни унутиб қўётгандек гўё.

Яқинда жамоат транспортида кетаётган икки аёлнинг суҳбати қулгоимга чалиниб қолди. Улар телевидение орқали эфирга узатилаётган рекламалар орқали тавсия этилаётган кўплаб маҳсулотларнинг сифатсизлигиндан нолиб боширарди. Афсуски, қайсидир маънода улар ҳақ. Эфир юзини кўраётган "қичқириқ" хабарлар сони ошгани сайин сифат пасайиб бормоқда. Фақат шугина эмас. Бугун шундай реклама роликлари пайдо бўла бошладик, улар халқимизга маънавий зарар етказишда бошқа омишларга қараганда етакчидир. Қандай дейсизми? Келинг, масалага бошқача ёндашамиз. Бизга маълумки, ҳар қандай маҳсулот реклама сифатида эълон қилинганда бир неча босқичлардан ўтиб боради. Баъзи тadbirkorлар ишлаб чиқарган маҳсулотини номлашдаёқ жуда кўпол ва жиддий хатога йўл қўйишмоқда. Чет тиллардаги атама ва сўзлардан фойдаланиб, унинг маъноси ва моҳиятига келганда мутлақо эътибор беришмайпти. Натижада, маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи ном остидаги маҳсулот халқимиз хонадонига кириб бормоқда. Энг ачинарлиси, ушбу номлар болаларимиз тилига ўрнашиб, ҳалигача тушмай келаяпти. "Маҳсулотлари" акс этган тутуруқсиз "қичқириқ"ни телевидение орқали кенг оммага кўрсатиб, жар солаётган айрим ишбилармонлар реклама роликда айтилаётган сўзларга, кўрсатилган лавҳаларга эътибор бермай ёки ўзларини билмаганликка олиб, маънавиятга путур етказаяпти. Масалан енгил-елпи жараёнлар, шахвоний лавҳалар ҳамда реклама қилиш, кўрсатиш уёқда турсин уйлашга одам уяладиган маҳсулотларни ҳеч нарсадан тап тортмай, кўз-кўз қилиниши сингари ҳолатлар бунга яққол мисол бўла олади. Қизиқ, халқимизга нимани раво кўришмоқда? Ухласа ҳам, турса ҳам дарди пул бўлган кимсалар эртага халқни пароканда қилиш билан топган ҳашаматлари буюрмаслигини, икки қўли бўш кетишини, улар тақдири қизиқтирмайдиган шу халқ орасида, ўзларининг ҳам ёр-дўстлари, жигарлари борлигини ўйлашмайди, шекилми?..

Шу ўринда жуда кўпчиликни қийнаётган савол пайдо бўлади. Нега жамиятимизда бундай ҳолатларга йўл қўйиб берилмоқда? Шу масалаларга масъул мутасаддиларнинг мақсаду муддаолари не? Улар келажакка шунчалик бефарқми? Наҳотки, телевидение раҳбарларини реклама ва унинг мазмун моҳиятидан кўра, ундан тушадиган маблаг кўпроқ қизиқтирса?!

Фикрим сўнггида айрим тadbirkorлар ва медиа вакилларига мурожаат қилиб шунини айтмоқчиманки, Ўзбекистонда "Реклама тўғрисида"ги Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ! Утмиши, келажакки буюк миллатни моддий ва маънавий зарарларингиз орқали пароканда қилманг! Миллионлаб ёшлар қаторида сизнинг ҳам келажакингиз, эртангиз – ўғил-қизингиз бор. Уларнинг маънавий фақир бўлишларига йўл қўйманг! Виждонингиз қийналмаётган бўлса, болангизнинг кўзига қаранг! Сизу бизнинг, оиламизнинг ҳаёти бошқалар томонидан қўрбон қилиниши учун берилмади. Шундай экан, уни замонавий "вируслар" хуружидан эҳтиёт қилинг!

Фаёзжон ҚОСИМОВ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

«Пахтакор» "В" гуруҳида пешқадам

Осиё Чемпионлар лигаси "В" гуруҳида 2-тур ўйинлари бошланди. Ўз майдонидан Эроннинг "Шаҳри Худру" клубини қабул қилган "Пахтакор" 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Биринчи бўлимда "Пахтакор" кўп ҳужум қилди, аммо гол ура олмади. Бўлим охирида ҳакам эронлик футболчи қўл билан ўйнаганига қарамай, пенальти белгиламади.

Иккинчи бўлимни эса "Пахтакор" жуда фаол бошлади. 56-дақиқада ҳисоб очилди. Жалолдин Машарипов ўнг қанотдан ажойиб юриш амалга ошириб, тўпни дарвоза яқинидаги Игорь Сергеевга ташлаб берди. Ҳужумчи эронликлар дарвозасига гол урди – 1:0.

Голдан 3 дақиқа ўтиб "Пахтакор" фарқи оширди. Жалолдин Машарипов ажойиб узатмаси билан Достон Ҳамдамовни дарвозабон билан яккама-якка олиб чиқиб, Игорь Сергеевга ташлаб берди. Ҳужумчи бўш дарвозани қийинчиликсиз ишғол қилди. 87-дақиқасида Жалолдин Машариповнинг яна бир узатмасидан сўнг Шерзод Аъзамов беш билан гол уриб ҳисобни йирик кўринишга олиб келтирди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйин "Шабоб Ал Аҳли" - "Ал Ҳилол" ўртасида баҳс 1:2 якунига етди. Шу тариқа "Пахтакор" 2-турдан кейин 6 очко билан "В" гуруҳи етакчисига айланиб олди.

Ўз муҳбиримиз.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАХАМ-CHIRCHIQ

nitrat

Нитрат магний тўлиқ сувда эрийдиган ўғитдир. Иссиқхона ва очиқ тупроқда суғоришда ва илдиздан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади. Ўсимлик баргларида магний нитратни пурақаш, уларда бир пайтнинг ўзида азот ва магний танқислиги пайдо бўлганда, тавсия этилади!

МАГНИЙ НИТРАТ

ТАРКИБИДА 14,5% МАГНИЙ ОКСИДИ ВА 10% ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН НИТРАТЛИ АЗОТ МАВЖУД

Махам-Chirchiq, АЖ Манзил, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй, Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57. info@maxam-chirchiq.uz, www.maxam-chirchiq.uz

Собиер Раҳимов т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "ALLOH A'LO NUR" М-ОКга тегишли бир донна думалоқ муър ва бир донна бурчак тавсияи йўқсизлиги муносабати билан бевор қилинади.

Тошкент вило. Тошкент 1-дан рўйхатга олинган "MAJABBAT FAYZ TABARRUK" фермер хўжалиги тегишли бир донна думалоқ муър ва бир донна бурчак тавсияи йўқсизлиги муносабати билан бевор қилинади.

Тошкент вило. Тошкент 1-дан рўйхатга олинган "MAXUD BARAKA AGRO" фермер хўжалиги (СТПР 30008333) мулкчилик шаклида маҳсулотни чеклашга алоқасиздир.

"BIRLIK" М-ОК (СТПР 300974426) устив эълонлари 74 152 541 сўм 66 тиланга 27 850 721 сўм 30 тиланга қаматли рақобатчилик маълумоти оқибатда. Қардорларнинг тавсияи Тошкент ш. Язловод т. М.Ашрафий кўч. 103 А уй маълумоти бўлиб ёборилган мўлдат.

"ALLOY-PRODUCT" Хўжалиги (СТПР 302202410) устив фонди 520 024 700 (беш юз йилга яқин вақтга) мулкчилик шаклида маҳсулотни чеклашга алоқасиздир. Мурожаат учун маълумот: Тошкент ш. Сарғал т. Қўрақон кўч. 22-уй.

2019 й.д Тошкент вило. Чирчиқ ш. 9-сонли уюмнинг ўрта маълуми томонидан Қўрақон Суғориш Учуи қўрақон берилган UM 0204445 рақамли аттестат йўқсизлиги муносабати билан бевор қилинади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:
Жамшид ХУЖАЕВ,
Шавкат ХАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма F-225, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзидан компьютерда терилди ва дизайнёр Марк ЮСПОВ томонидан саҳифаланди. 5148 нускада chop этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 23.55

ISSN 2030-7023



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ